



UDC: 336.74 (571.2)

КОРХОНАЛАРДА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ: МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

Муҳаммадиев Заррух Умарович,
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти в.б., PhD;

Боронов Бобур Фарҳодович,
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти в.б., PhD;

Абдурасулов Жамшидбек Аҳмад ўғли,
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси магистранти,
ORCID: 0000-0003-1630-8694,
e-mail: jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Жаҳонда давлатлар иқтисодиётининг асосий бўғини ҳисобланган корхоналарни модернизациялашга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Бунга сабаб шундаки, корхоналарни модернизациялаш ҳар қандай давлатда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиги, яратилаётган моддий бойликлар сифати, рақобатбардошлиги ва экспортболлиги, шунингдек, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириши, камбагалликни қисқартиришининг муҳим омили ва гарови ҳисобланади. Корхоналарни модернизациялашнинг умумдавлат аҳамиятига моликлиги ушибу муҳим жараённи миқдор жиҳатдан баҳолаши ва сифат жиҳатдан тавсифлаши ҳамда назорат қилиши воситалари бўлган ҳисоб ва аудитни ахборот фойдаланувчилари талаблари асосида такомиллаштиришини зарурат қилиб қўймоқда.

Калим сўзлар: дастак, капитал қўйилмалар, тугалланмаган капитал, молиявий ижара, технологик линиялар, модернизациялаш жараёнлари.

ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ПРОЦЕССОВ МОДЕРНИЗАЦИИ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Муҳаммадиев Заррух Умарович,
доцент кафедры «Бухгалтерский учет и аудит», PhD;

Боронов Бобур Фарҳодович,
доцент кафедры «Бухгалтерский учет и аудит», PhD;

Абдурасулов Жамшидбек Аҳмад угли,
магистр
кафедры «Бухгалтерский учет и аудит»

Самаркандский институт экономики и сервиса



Аннотация. Растет потребность в модернизации предприятий, которые составляют основу мировой экономики. Это связано с тем, что модернизация предприятий в любой стране является важным фактором и гарантией роста валового внутреннего продукта (ВВП), производительности и эффективности труда, качества, конкурентоспособности и возможностей экспорта материальных благ, а также увеличения занятости и доходов, сокращения бедности. Модернизация предприятий требует в том числе совершенствования бухгалтерского учета и аудита, которые являются важными инструментами количественной оценки и качественного описания и контроля этого процесса в соответствии с требованиями пользователей информации.

Ключевые слова: сопровождение, капитальные вложения, резервный капитал, финансовый лизинг, технологические линии, модернизационные процессы.

THE STATE OF THE ART OF MODERNIZATION PROCESSES IN COMPANIES, PROBLEMS AND SOLUTIONS

Muhammadiev Zarrukh Umarovich,
Associate Professor of Accounting and Auditing, PhD;

Boronov Bobur Farkhodovich,
Associate Professor of Accounting and Auditing, PhD;

Abdurasulov Jamshidbek Ahmad ugli,
Master of the Accounting and Auditing Department

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. The demand for modernization of companies, which form the mainstay of the global economy, is growing. This is explained by the fact that modernization of companies in any country is an important factor and a guarantee of the gross domestic product (GDP), labor productivity and efficiency, quality, competitiveness and exportability of material wealth, as well as increasing employment and income, poverty reduction. Modernization of enterprises is of national importance, and this process needs to be improved in terms of both quantitative assessment and qualitative characteristics and control, as well as accounting and auditing, based on the requirements of information users.

Keywords: leverage, capital investments, unearned capital, financial leasing, production lines, modernization processes.

Кириш

Бухгалтерия ҳисоби олдида турган мұхим вазифалардан бири бу корхоналарда амалға оширилаётган модернизациялаш жараёнла-ри түғрисида реал ва батағсил ахборотларни шакллантириш, уларни фойдаланувчи-лар, авваламбор, инвесторларга ўз вақтида

етказиб берішdir. Ушбу мұхим вазифа-нинг бажарилиши бухгалтерия ҳисобини юритиши тартибға солиб турувчи дастак-лар, чунончи, счёtlар режаси, унда корхоналарда амалға оширилаётган модерниза-циялаш жараёнлари күлами ва йұналиш-лари, уларға киритилаётган инвестиция-



лар тұғрисида атрофлича ва тизимли ахбортларни шакллантиришга мүлжалланган счётлар мавжудлигига бевосита боғлиқ.

Тадқиқот мақсади. Республика міндеттес амалда бўлган 21-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»¹да назарда тутилган счётлар тизими корхоналарда юз бераётган модернизациялаш жараёнлари ҳамда уларга киритилаётган капитал инвестициялар ҳисобига қўйилаётган талабларга қай даражада жавоб беради?

Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида ўтказилган тадқиқотларимизда қуидагилар аниқланды.

Биринчидан, республика міндеттес амалда бўлган 21-сон БҲМСда назарда тутилган счётлар корхоналарда кенг қўламда ва турли йўналишларда амалга оширилаётган модернизациялашни жараён сифатида акс эттиришга эмас, балки уларга киритилган капитал инвестициялар (қўйилмалар)ни ҳисобга олишга қаратилган. Чунончи, стандартда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олевчи счётлар» тизими корхоналарда юз бераётган модернизациялашга киритилган капитал қўйилмалар (инвестициялар) ҳолати ва ҳаракати ҳисобини юритишига мўлжалланган.

Иккинчидан, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олевчи счётлар» тизимида очилган счётлар номланиши ва мақомига қўра, корхоналарда юз бераётган модернизациялаш ва уларга киритилаётган инвестиция йўналишлари номларига тўлиқ монанд эмас. Чунончи, 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олевчи счётлар» тизимида очилган 0810 счётнинг «Тугалланмаган капитал қурилиш» деб номланиши ушбу счётнинг мақсади ва унга юклатилган вазифани маъ-

лум даражада чеклаб қўйган. Мазкур счётнинг мақсади, аслида, фақат тугалланмаган капитал қурилиш қиймати тұғрисида ахборт бериш билан чегараланмайди. Аксинча, модернизациялашнинг муҳим йўналиши бўлган янги обьектлар қуриш жараёнларининг бориши ҳамда уларга реал капитал инвестицияларнинг киритилиши, шунингдек, киритилган капитал инвестицияларнинг қурилишнинг тугалланмаган қисмига тўғри келадиган қисмлари тұғрисида пул бирлигидаги ахбортларни шакллантириш ҳисобланади. Тугалланмаган капитал қурилиш қийматини акс эттириш ушбу счётта юклатилган вазифалардан бири, холос. Шу боис счёт номини фақат тугалланмаган капитал қурилиш деб номлаш, фикримизча, тўғри эмас.

Худди шунингдек, 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олевчи счётлар» тизимида очилган бошқа счётлар ҳам номланиши бўйича ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Чунончи, стандартда назарда тутилган 0820, 0830, 0840, 0850, 0860, 0890 счётлар номларида ишлатилган «сотиб олиш», «ташкил қилиш», «капитал қўйилмалар» каби сўзларни Президентимиз томонидан «иқтисодиёт драйвери», ўзбекча айтганда, «иқтисодиётнинг юраги» сифатида эътироф этилган «капитал инвестициялар»² сўзи билан алмаштириш вақти келди.

Учинчидан, амалдаги 21-сон БҲМСнинг камчиликларидан яна бири, бизнинг фикримизча, шундаки, унда модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш жараёнларида мос равишда ушбу жараёнларга киритилган инвестицияларни алоҳида акс эттирувчи маҳсус счётлар кўзда тутилмаган. Бу турдаги жараёнлар ва уларга кири-

¹ ЎзР. Адлия вазириллиги томонидан 2002 йил 23 октябрда рўйхатга олинган, № 1181.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳакидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.



тилган капитал инвестициялар ҳисоби ҳозирги пайтда 0890-«Бошқа капитал инвестициялар» счётида юритилмоқда. Бунинг учун ушбу счёт маълумотларини қайтадан гурухлаб чиқиш зарур. Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда мавжуд қувватларни замонавий техника ва технологиялар асосида янгилаш, мос равишда уларга киритилган инвестициялар ҳам алоҳида счёtlарда акс эттирилиши лозим. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири тадбиркорлик субъектлари равнақида муҳим ўрин тутади. Чунончи, мавжуд обьектларни кенгайтириш корхона ишлаб чиқариш қувватларининг сезиларли даражада ошишига олиб келади. Реконструкция ишлари мавжуд обьектларнинг фойдали хизмат муддатларини оширади, уларнинг имкониятлари ва фойдалилик даражасини янада яхшилади. Шунингдек, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш янги обьектлар қуришни амалга ошириш муддатлари, хужжатлар расмийлаштирилиши ва бошқа жиҳатлари бўйича ҳам фарқланади.

Тўртингидан, 21-сон БХМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар» тизимида очилган 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» счётидан уларнинг қандай турлари, масалан, энг замонавий техника ва технологик линиялар, юксак самарали асбоб-ускуналар ёки эски, олдиндан фойдаланишда бўлган асосий воситалар харид қилинганилиги, шунингдек, ҳозирги пайтда кенг кўламда амалга оширилаётган яхлит бизнесни сотиб олиш ва уларга киритилган капитал инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни тўғридан-тўғри олиб бўлмайди. Бунинг учун ҳам ушбу счёт маълумотларини қайтадан гурухлаб чиқиш зарур. Бизнинг фикримизча, модернизациялаш жараёнларининг муҳим йўналишлари бўлган энг замонавий техника ва технологик линиялар, юксак самарали асбоб-ускуналар ва яхлит бизнесни сотиб олиш, уларга киритилган

капитал инвестициялар ҳам алоҳида счёtlарда акс эттирилиши лозим.

Бешинчидан, 21-сон БХМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар» тизимида очилган 0830-«Номоддий активларни сотиб олиш» счёти ҳам номланиши ва мақоми бўйича ушбу активларни модернизациялаш ва уларга киритилаётган инвестицияларни тўлиғи-ча ифода этмайди. Чунончи, ушбу счёtdан номоддий активлар ҳисобланган энг замонавий брендлар, савдо ва товар белгилари, дастурлар, ноу-хау ишланмаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба конструкторлик ишланмалари ҳамда яхлит бизнесни сотиб олишда вужудга келадиган гудвиллга киритилган инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни тўғридан-тўғри олиб бўлмайди.

Олтинчидан, 21-сон БХМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар» тизимида очилган 0840-«Асосий подани ташкил қилиш» счёти ҳам номи, ҳам мақоми, ҳам юклатиленган вазифалари бўйича такомиллаштиришга энг муҳтоҷ счёт ҳисобланади. Чunksи, ҳалқаро ҳисоб таълимоти ва амалиётида «асосий пода» тушунчаси умуман ишлатилмайди. Асосан, қишлоқ жўжалиги субъектларига тегишли бўлган ушбу тушунча ҳалқаро миқёсда биологик активларнинг бир тури сифатида тан олинади, холос. Амалдаги 0840-«Асосий подани ташкил қилиш» счёти биологик активларнинг чорвачиликка хос бўлган турлари ҳамда уларга капитал инвестициялар тўғрисидаги умумий ахборотларни беради. Бироқ ушбу счёtdан чорва молларининг энг замонавий турлари ва зотлари, чунончи наслдор зотларини яратиш, сотиб олиш ҳамда уларга киритилган инвестициялар тўғрисидаги ахборотларни бевосита билиб олиш, амри-маҳолдир.

Еттингидан, амалдаги 21-сон БХМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга оловчи счёtlар» тизимида очилган бошқа счёtlар (0850-«Ерни



ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» 0860-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар», 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар») ҳам номи, мақоми, юқлатилган вазифалари бўйича ушбу турдаги активларни модернизациялаш ҳамда уларга киритилаётган капитал инвестицияларни атрофлича ифодалайди, деб бўлмайди. Чунончи, 0850-«Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» номли счёт маълумотларидан ерни ободонлаштиришга капитал инвестициялар қайси йўналишларда амалга оширилганлиги, 0860-«Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» номли счёт маълумотларидан уларга киритиладиган инвестицияларнинг айнан қандай турдаги асосий воситаларга киритилганлигини бевосита аниқлаб бўлмайди.

Саккизинчидан, амалдаги 21-сон БҲМСда бугунги кунда қишлоқ хўжалик соҳасида тез ривожланаётган интенсив боғлар, чунончи, олмазорлар, ёнғоқзорлар, узумзорлар ва бошқа турдаги мевазорлар ҳамда уларга киритилаётган инвестициялар ҳисоби учун маҳсус счёtlар мавжуд эмас. Халқаро миқёсда биологик активларнинг бир тури сифатида тан олинган ушбу кўп йиллик ўсимликларни республикамиизда кўпайтиришнинг давлат томонидан устувор вазифа сифатида белгилanganлиги, дехқончиликнинг ушбу турларини жадал ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга моликлиги, табиий равишда, мазкур соҳаларни модернизациялаш жараёнлари ҳамда уларга киритилаётган инвестициялар ҳисоби учун маҳсус счёtlар очиш ҳамда юритишни тақозо этади.

Материал ва методлар

Юқоридагилар умумий тарзда макон ва замонда кенг кўламда амалга оширилаётган модернизациялаш жараёнлари ҳамда уларга киритилаётган капитал инвестициялар ҳисобини янада такомиллаштириш учун республиканизнинг амалдаги 21-сон БҲМСда назарда тутилган счёtlар тизими мақоми, номланиши, таркибий тузилиши-

ни қайта кўриб чиқиши зарурати борлигидан дарак беради.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили

Модернизациялаш корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Модернизациялаш корхоналарда амалга оширилаётган тъминот, ишлаб чиқариш, сотиш, бошқариш ва бошқа жараёнларга, уларнинг моддий-техника базасини ташкил қилувчи кўчмас мулк ҳамда кўчар мулк ҳисобланадиган барча меҳнат воситалари ва қуролларига, техника ва технологияларга, механизмлар, методлар, усул ва услубларга бевосита дахлдордир ҳамда уларни қамраб олади. Ушбу жараёнларни, узоқ муддатли моддий ва номдий активларни, техника ва технологияларни, механизмлар, методлар, усул ва услубларни замонавийлаштириш, янгилаш ва мукаммаллаштиришнинг корхоналар барқарор ва жадал ривожланишида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Буларнинг барчаси корхоналарда модернизациялашнинг ўта муҳим жараён эканлигидан дарак беради. Табиий равишда модернизациялаш жараёнларини капитал инвестицияларсиз амалга ошириб бўлмайди. Инвестицияларнинг пул бирлигидаги ҳажми корхонада ҳақиқатда ҳам модернизациялаш жараёнлари юз берганлиги ва бераётганлигини тасдиқловчи миқдорий кўрсаткич ҳисобланади. Айнан шулар бухгалтерия ҳисоби олдига, авваламбор, корхоналарни модернизациялашдек муҳим жараённи, шунингдек, ушбу жараёнга киритилган инвестицияларни биргалиқда яхлит комплекс сифатида акс эттириш вазифасини қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, корхоналарда модернизациялаш жараёнлари ва уларга капитал инвестициялар ҳисобини замон талаблари асосида такомиллаштириш учун қуйидагилар тавсия этилади.

Биринчидан, авваламбор, 21-сон БҲМСда назарда тутилган 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар» тизими номи ва мақомини ўзгартиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Биз-



нингча, ушбу счёtnи 0800-«Модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни ҳисобга олуvчи счёtlар» деб номлаш түғриди. Мазкур счёtnинг айнан шундай номланиши унинг мақсад ва мақомини түғри ифода этади, деб ўйлаймиз. Чунки айнан шу номдаги счёtnинг мавжудлиги ва унинг юритилиши корхонада юз берәётган модернизациялашни, бир томондан, муҳим жараён сифатида акс эттиришга, иккинчи томондан эса уларга киритилган капитал инвестициялар ҳисобини юритишга имкон беради.

Иккинчидан, фикримизча, модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни ҳисобга олуvчи счёtlар тизими таркибиغا киruвчи счёtlар давлатимиз сиёсатида белгиланган модернизациялаш жараёнларининг барча йўналишлари, чунончи, янги объектлар қуриш, мавжуд объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш, замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологик линиялар, биологик активлар ва бошқа турдаги янги асосий воситаларни харид қилиш, шунингдек, мосравиша уларга киритилган капитал инвестицияларни бевосита акс эттиришга мўлжалланган бўлиши лозим. Айнан ушбу талабдан келиб чиқиб, бизнингча, амалдаги 0800-«Капитал қўйилмаларни ҳисобга олуvчи счёtlар» тизимини таркиби, мақоми ва номланиши бўйича қуидагича ресруктуризация қилиш (ўзгартириш) мақсадга мувофиқдир (2.1-жадвал).

Корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритиладиган капитал инвестициялар ҳисоби учун биз томонимиздан тавсия этилаётган барча счёtlар мақомига кўра актив, доимий, баланс счёtlар ҳисобланади, шунингдек, уларнинг ҳар бирiga аниқ мақсад ва вазифалар юклатилади.

Хулосалар

Фикримизча, корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ҳамда уларга киритилаётган инвестициялар ҳисоби учун мўлжалланган счёtlар тизимини биз томонимиздан тавсия этилган тартибда ресруктуризация қилиш ушбу муҳим жараён түғрисида ҳисоб ва ҳисботнинг ахборот бериш имкониятлари кескин ошишига хизмат қиласи.

Модернизациялаш жараёнлари бўйича бухгалтерия ҳисоби олдида турган муҳим вазифалардан бири бу ушбу жараёнлар натижасида кирим қилинган активлар бошланғич қиймати түғри баҳоланишини таъминлашdir. Халқаро амалиётда корхоналарни модернизациялаш натижасида кирим қилинган активларнинг бошланғич қийматини баҳолаш турли стандартлар, чунончи, 16-сон БХХС (IAS) «Асосий воситалар», 16-сон МХХС (IFRS) «Ижара», 38-сон БХХС (IAS) «Номоддий активлар» билан тартибга солинган. Республикаизда модернизациялаш натижасида корхоналар балансига эгалик ҳуқуқи билан кирим қилинадиган асосий воситалар бошланғич қийматини баҳолаш тартиблари 5-сон БХМС «Асосий воситалар»³, ижарага олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматини баҳолаш тартиблари 6-сон БХМС «Ижара ҳисоби»⁴, номоддий активлар бошланғич қийматини баҳолаш тартиблари 7-сон БХМС «Номоддий активлар»⁵ билан белгиланган. Шунингдек, модернизациялаш учун олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловларини капитализация қилиш тартиби халқаро амалиётда 23-сон БХХС (IAS) «Қарзлар бўйича харажатлар», республикаизда эса «Асосий воситалар», республикаиздинг 24-сон БХМС «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби»да⁶ назарда тутилган.

³ ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 январда 1299-сон билан рўйхатга олинган.

⁴ ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 24 апрелд 1946-сон билан рўйхатга олинган.

⁵ ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 27 июня 1485-сон билан рўйхатга олинган.

⁶ ЎзР. Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 18 августда 1996-сон билан рўйхатга олинган.



**Корхоналарда модернизациялаш жараёнлари ва уларга капитал инвестициялар
хисобини юритиш учун тавсия этилаётган счёtlар тизимлари⁷**

| Амалдаги 21-сон БХМС бўйича | | Тавсия | |
|-----------------------------|---|----------|--|
| Счёт т/р | Счёtnинг номи | Счёт т/р | Счёtnинг номи |
| 0800 | Капитал қўйилмаларни хисобга олувчи счёtlар | 0800 | Модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| 0810 | Тугалланмаган капитал курилиш | 0810 | Капитал курилиш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ва уларга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| | | 0811 | Янги обьектлар куриш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0812 | Мавжуд обьектларни кенгайтириш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0813 | Мавжуд обьектларни реконструкция қилиш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| 0820 | Асосий воситаларни сотиб олиш | 0820 | Асосий воситаларни харид қилиш ва унга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счетлар |
| | | 0821 | Янги техника ва технологик линияларни харид қилиш ҳамда унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0822 | Юксак самарали асбоб-ускуналарни харид қилиш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0823 | Кўчмас мулкни харид қилиш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0824 | Бошқа асосий воситаларни харид қилиш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0825 | Яхлит бизнесни харид қилиш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| 0830 | Номоддий активларни сотиб олиш | 0830 | Номоддий активларни модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| | | 0831 | Илмий тадқиқот ишлари (ишланмалари), тажриба конструкторлик ишланмалари ва уларга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0832 | Фаолиятни лицензиялаш ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| | | 0833 | Яхлит бизнесни харид қилишда вужудга келган гудвилл ва унга киритилган капитал инвестициялар |
| 0840 | Асосий подани ташкил қилиш | 0840 | Биологик активларни модернизациялаш ва унга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| 0850 | Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар | 0850 | Ерни ободонлаштириш ва унга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| 0860 | Молиявий изжара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар | 0860 | Молиявий изжара шартномаси бўйича асосий воситаларни харид қилиш ва уларга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |
| 0890 | Бошқа капитал қўйилмалар | 0890 | Бошқа модернизациялаш жараёнлари ва уларга киритилган капитал инвестицияларни хисобга олувчи счёtlар |

5-сон БХМС «Асосий воситалар» ва 7-сон БХМС «Номоддий активлар»га мувоғиқ, ушбу турдаги активларни харид қилиш учун олинган қарзлар ва кредитлар бўйи-

ча фоиз харажатлари уларнинг бошланғич кийматига киритилмайди. Шунинг билан бирга, мазкур активларни қуриш ёки ишлаб чиқариш учун олинган кредитлар бўйича

⁷ Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.



хисобланган фоизлар барпо этилган асосий воситалар ёки ишлаб чиқарилган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилади. Республикализнинг 24-сон БХМС «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби»га мувофиқ, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича уларни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича фоиз харажатлари ушбу активнинг таннархига олиб бориш йўли орқали капитализация қилиниши лозим.

Бизнинг фикримизча, модернизациялаш мақсадларида олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз харажатлари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг харид қилиниши, қурилиши ёки ишлаб чиқарилишидан қатъи назар, ушбу активнинг таннархига олиб бориш йўли орқали капитализация қилиниши мақсадга мувофиқ. Чунки бундай харажатлар, одатда, асосий воситалар ва номоддий активлардан фойдаланишга топширишгача бўлган даврларга тегишлидир. Ушбу активлар фойдаланишга топширилгандан кейинги даврларда улар бўйича тўланадиган фоиз харажатлари, аслида, корхоналар учун маълум маънодаги муддати узайтирилган харажатлар ҳисобланади. Модернизациялаш мақсадларида олинган қарзлар бўйича фоиз харажатлари, бизнингча, ушбу жараённинг натижаси бўлган активларга тегишлидир ва шу боис уларнинг шакллантирилган қийматида ўз аксини топиши лозим. Ушбу харажатлар корхоналарнинг кейинги даврлардаги молиявий фаолиятига ҳеч қандай дахлдор жойи йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Бизнингча, республикамизда қабул қилинган «Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби» номли 24-сон БХМС айрим такомиллаштиришга муҳтож жиҳатларга ҳам эга. Чунончи, ушбу стандартда қарзлар бўйича харажатларни капиталлаштириш тартиби аниқ белгиланган бўлса-да, бироқ ушбу харажатлар таркибида модернизациялаш мақсадларида хорижий валютада олинган кредит ва қарзлар бўйича курс фарқлари тебраниши эвазига юзага келадиган қўшимча харажатлар (заарлар)ни капитализациялаш кўзда тутилмаган.

Бизнинг фикримизча, модернизациялаш

мақсадларида хорижий валютада олинган кредит ва қарзлар бўйича курс фарқларининг тебраниши эвазига юзага келадиган харажатлар (заарлар)ни ҳам капиталлаштириш тартиби ушбу стандартга киритилиши лозим. Чунки модернизациялаш мақсадларида олинган кредит ва қарзлар бўйича курс фарқлари тебраниши эвазига юзага келадиган харажатлар (заарлар)нинг корхоналар асосий фаолиятига ҳеч қандай дахли йўқ. Уларнинг молиявий фаолиятга доир харажатларга олиб борилиши корхоналарда ушбу харажатларнинг сунъий ошиши, мосравиша якуний молиявий натижалардан олинадиган фойданинг асосиз камайиб кетишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги 21-сон БХМСда корхоналарда модернизациялашни амалга ошириш учун жалб этиладиган ташқи ва ички кредитлар ҳамда қарзлар бўйича фоиз тўловлари, шунингдек, курс фарқларининг тебраниши эвазига вужудга келадиган қўшимча харажатлар (заарлар)ни янги обьектлар харид қилиш, қуриш, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш жараёнлари тугагунга қадар қандай счёtlарда йиғиб бориш тартиби ўз аксини топмаган. Шунингдек, янги обьектлар харид қилиш, қуриш, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш жараёнлари босқичма-босқич амалга оширилганда жамлаб борилган қарзлар бўйича фоиз тўловлари ва курс фарқлари тебраниши эвазига юзага келадиган қўшимча харажатлар (заарлар)ни қандай мезонлар асосида тақсимлаш ва капиталлаштирунинг аниқ тартиблари ҳам белгиланмаган.

Мазкур муҳим масалаларни ҳал этиш мақсадида, бизнингча, 21-сон БХМСга қўйидаги счёtlарни киритиш ҳамда ушбу счёtlарда фоиз тўловлари ҳамда курс фарқлари тебраниши эвазига юзага келган қўшимча харажатлар (заарлар) вужудга келиши ва ҳисобдан чиқарилишини акс эттириш тартибларини белгилаш лозим:

*0991-«Модернизациялаш учун миллий валютада олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечикирилган фоиз тўловлари»;



*0992-«Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечиктирилган курс фарқларидан кўрилган заарлар;

*3291-«Модернизациялаш учун миллий валютада олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечиктирилган фоиз тўловларининг жорий қисми»;

*3292-«Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган узоқ муддатли кредит ва қарзлар бўйича кечиктирилган курс фарқларидан кўрилган заарларнинг жорий қисми»;

*3191-«Модернизациялаш учун миллий валютада олинган қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари»;

*3192-«Модернизациялаш учун хорижий валютада олинган қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича курс фарқларидан кўрилган заарлар».

Тавсия этилаётган счёtlарнинг дебетида мос равишда олинган кредит ва қарзлар бўйича фоиз тўловлари ва курс фарқларининг узоқ ва қисқа муддатлигига қараб хисобланган фоиз тўловлари ва курс фарқларидан кўрилган заарлар, кредитида эса ушбу фоиз тўловлари ва курс фарқларидан заарларнинг капиталлаштирилган қисми акс эттирилиши лозим.

Бизнингча, янги объектлар қуриш, мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш жараёнлари босқичмабосқич амалга оширилганда жамлаб борилган қарзлар бўйича фоиз тўловлари ва курс фарқларидан кўриладиган заарларни модернизациялаш ишларининг тугалланиш фоизига мутаносиб капиталлаштириш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Корхоналарни модернизациялаш жараёнлари хисобини такомиллаштиришга муҳтож жиҳатлардан яна бири бу, бизнингча, ушбу муҳим жараёнларга доир бошланғич ҳужжатларнинг замон талабларига жавоб берадиган тизимини яратишdir. Ушбу масаланинг долзарблиги шундаки, модернизациялашнинг муҳим йўналишлари бўлган энг замонавий асбоб-ускуналар, техника ва технологик линияларни харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш, шунингдек,

янги обьектлар қуриш, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш уларни пудрат ва хўжалик усусларидан бири бўйича амалга оширилишига қараб, турлича ном ва мазмундаги ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Чунончи, биргина пудрат ва хўжалик усусларида янги обьектлар қуриш, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилишда қуйидаги ҳужжатлар тузилади:

1. Янги қурилиш обьектини ишга тушириш тўғрисида далолатнома.
2. Янги қурилиш обьектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси.
3. Объектни кенгайтириш тўғрисида далолатнома.
4. Объектни реконструкция қилиш тўғрисида далолатнома.
5. Счёфт-фактура – қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

Мазкур ҳужжатларни шакл ва мазмунан ўрганиш ҳам бизга айрим хulosаларга келиш имконини берди. Чунончи, мустақиллигимизга 30 йил бўлаётганлигига қарамасдан, республикамида янги обьектлар қуриш, мавжуд обьектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишларини расмийлаштиришда собиқ Иттифоқ даврида тасдиқланган бошланғич ҳужжатлардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ҳужжатларнинг давлат тилидаги маҳсус шакллари, уларга катта заруратлар бўлишига қарамасдан, шу пайтгача тасдиқланмасдан қолмоқда.

Шунингдек, амалиётда қўлланилаётган «Янги қурилиш обьектини ишга тушириш тўғрисида далолатнома», «Янги қурилиш обьектини топшириш-қабул қилиш далолатномаси», «Объектни кенгайтириш тўғрисида далолатнома», «Объектни реконструкция қилиш тўғрисида далолатнома» каби ҳужжатларнинг шакл ва мазмунига қўйилган талаблар республикамида амалда бўлган «Бухгалтерия хисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низом»да⁸, шунингдек, Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган замонавий қурилиш нормалари ва ҳужжатларида маҳсус белгиланмаган. Бундан ташқари, қурилиш ва қурилиш-



монтаж ишларининг пудрат усулида бажарилишида пудратчилар томонидан тузилаётган ва буюртмачиларга тақдим этилаётган «Счёт-фактура қабул қилиш-топшириш даролатномаси», асосан, ҳисоб-китобни амалга оширишга асос бўлувчи хужжат ролини ўйнамоқда, унда бажарилган қурилиш ва қурилиш монтаж, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларининг тегишли тавсифлари етар-

лича очиб берилмасдан қолмоқда.

Республикамизда юқоридагиларнинг барчаси – корхоналарда кенг қўламда амалга оширилаётган янги объектлар қуриш, мавжуд объектларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ишларини расмийлаштиришга доир бошланғич хужжатлар тизими яратилишини объектив зарурат қилиб қўймоқда.

REFERENCES

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 26-fevraldagи «2016–2020-yillarda xizmatlar sohasini rivojlantirish dasturi to‘g‘risida»gi 55-sonli qarori [Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 26, 2016, no 55 “On the Program of development of the services sector for 2016–2020”].
2. “Buxgalteriya hisobida hujjatlar va hujjatlar aylanishi to‘g‘risida”gi nizom. O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 14.01.2004. 1297-sun bilan ro‘yxatga olingan, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 23.12.2003. 131-sun buyrug‘i bilan tasdiqlangan [“Regulations on documents and document flow in accounting”. Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan 14.01.2004. Registered by the Minister of Finance of the Republic of Uzbekistan dated 23.12.2003, no. 1297. Approved by Order no. 131].
3. Raz’yasneniya mejdunarodnix standartov finansovoy otchetnosti. KMSFO [International Accounting Standards Board-Almati, 2001. Clarifications of International Financial Reporting Standards. IFRS. International Accounting Standards Board-Almaty, 2001].
4. Mejdunarodnie standarti finansovoy otchetnosti [International Financial Reporting Standards]. Available at: <http://www.ifrs.org.ua/mezhdunarodnye-standarty-finansovoj-otchetnosti/>.
5. 1-sun BHMS «Hisob siyosati va moliyaviy hisobot». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1998-yil 14-avgustda ro‘yxatga olingan, № 474 [IFRS 1 Accounting Policies and Financial Reporting. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on August 14, 1998, no. 474].
6. 2-sun BHMS «Asosiy xo‘jalik faoliyatidan olingan daromadlar». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1998-yil 26-avgustda ro‘yxatga olingan, № 483 [IFRS 2 “Income from operating activities”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on August 26, 1998, no. 483.
7. 3-sun BHMS «Moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobot». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1998-yil 26-avgustda ro‘yxatga olingan, № 484 [IFRS 2 “Income from operating activities”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on August 26, 1998, no. 483.
8. 5-sun BHMS «Asosiy vositalar». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 2004-yil 20-yanvarda ro‘yxatga olingan, № 1299 [BHMS No. 5 “Fixed assets”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on January 20, 2004, no. 1299.
9. 6-sun BHMS «Ijara hisobi». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 2009-yil 24-aprelda ro‘yxatga olingan, № 1946 [BHMS «Rental account»]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on April 24, 2009, no. 1946.
10. 7-sun BHMS «Nomoddiy aktivlar». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 2005-yil 27-iyunda ro‘yxatga olingan, № 1485 [IFRS 7 Intangible Assets]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on June 27, 2005, no. 1485.



11. 9-son BHMS «Pul oqimlari to‘g‘risidagi hisobot». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1998-yil 4-noyabrda ro‘yxatga olingan, № 519 [IFRS 9 Cash Flow Statement]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on November 4, 1998, no. 519.

12. 10-son BHMS «Davlat subsidiyalarini hisobga olish va davlat yordamining yoritilishi». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1998-yil 3-dekabrda ro‘yxatga olingan, № 562 [IFRS 10 “Accounting for State Subsidies and Coverage of State Aid”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on December 3, 1998, no. 562.

13. 12-son BHMS «Moliyaviy investitsiyalarning hisobi». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 1999-yil 16-yanvarda ro‘yxatga olingan № 596 [IFRS 12 Accounting for Financial Investments]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on January 16, 1999, no. 596.

14. 21-son BHMS «Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning moliyaviy-xo‘jalik faoliyati buxgalteriya hisobi schyotlar rejasi va uni qo‘llash bo‘yicha yo‘riqnomasi». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 2002-yil 23-oktabrda ro‘yxatga olingan, № 1181 [IFRS No. 21 “Guidelines for the chart of accounts of financial and economic activities of business entities and its application”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on October 23, 2002, no. 1181.

15. 24-son BHMS «Qarzlar bo‘yicha xarajatlar hisobi». O‘zR Adliya vazirligi tomonidan 2009-yil 18-avgustda ro‘yxatga olingan, № 1996 [IFRS 24 “Accounting for Debt Expenses”]. Registered by Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on August 18, 2009, no. 1996.

16. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak [Critical analysis, Strict discipline and personal responsibility should be the daily rule of every leader]. Tashkent, Uzbekistan Publ. House, 2016, 56 p.

17. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz [We will resolutely continue our path of national development and raise it to a new level]. Uzstat website materials. Tashkent, Uzbekistan Publ. House, 2017, 592 p.

18. Available at: <https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriatyiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu/>.

19. Available at: <https://uz.sputniknews.ru/20210529/chislo-gospredpriatyiy-v-uzbekistane-sokratyat-na-75-k-2025-godu-18977013.html/>.

Тақризчи: Очилов О. И., PhD, «Иқтисодий таҳлил ва аудит» кафедраси доценти в.б., Тошкент молия институти.